



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 14 январь, № 9 (5939)

Сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва қутлуғ воқеа — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муносабат билан сизга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонда келинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кўламини ва микросига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Бу борада ташкилий-штат тузилмаларини бутунлай қайта кўриб чиқишга, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларнинг теозор-стратегик бошқаришининг замонавий ва самарали тизимини яратишга, қўшин турларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилишини такомиллаштиришга, уларни замонавий техника ва қурол-яроғлар билан таъминлашга, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартиришга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги тез ўзгариб бораётган ва мураккаб ҳарбий-сиёсий аҳвол ва вазиятнинг янада кескинлашиши эҳтимолини инобатга олиб, Қуролли Кучларимиз таркибидagi қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятларини ва куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ва уларни бошқариш самардорлиги сезиларли равишда оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган соҳабаро ва тўқнашулар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммоларни ҳал этиш борасида маъмуллик сақлаб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашаётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тараққийлаётгани, чегараларимизга бевоқифлик қилган ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани — буларнинг барчаси бизда чуқур ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

АЙСАФ деб аталмиш тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланиши, бизнинг жанубий сарҳадларимизда ва чегарадош ҳудудларда кескинликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Бундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнларнинг барчаси бугунги кунда ҳаммамиздан юксак даражадаги ҳушёрлик ва огохликни, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқаришга қаратилган уринишларга йўл қўймаслик бўйича қатъий чораларни

кўришни, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳуружларга Қуролли Кучларимизнинг ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини таъминлашга доимо тайёр туришимизни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан юзага келаётган мураккаб вазиятда армиямизни ислоҳ этишни ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачигидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман.

Чегарадош ҳудудларда ва бутун минтақадаги тез ўзгариб бораётган аҳволни аниқ мақсад асосида тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, сарҳадларимиздаги вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштириши мумкин бўлган террорист ва экстремист кучлар хатий-харакатларнинг фаоллашуви эҳтимоли билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлашни таъминлаш Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб ва ҳарбий округлар штабларининг асосий вазифаси ҳисобланган.

Ана шу асосда мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги қурилиш тизимини такомиллаштириш жараёнини, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган ҳар қайси йўналишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан, биринчи навбатда, чегара ҳудудларида вуздулжа келадиган хатарларнинг олдини олиш бўйича, ҳарбий округлар ва чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан биргаликда олиб бориладиган ўзаро мувофиқлаштирилган жанговар операцияларни ўтказиш учун, доимий тайёргарликни таъминлаш бўйича, таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бундай шароитда Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун жалб этиладиган бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини босишга ҳар томонлама қодир бўлиши ва юксак даражада келишиб ҳаракат қилиши, шунингдек, уларнинг биргаликдаги жанговар тайёргарлиги ҳал қилувчи роль ўйнаши зарур.

Бу борада Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар кўмондирлиги томонидан қўшинларнинг амалдаги ўқув ва жанговар тайёргарлик тизимининг танқидий баҳолалиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизим яқин ва ўрта муддатга мўлжалланган истиқболда минтақада юзага келадиган реал ҳарбий-сиёсий вазият талабларига тўла жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибани атрафлашча ўрганиш асосида чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги қисмларининг, вертолёт-ҳужум ва махсус операцияларни амалга оширадиган бўлинмаларнинг, биргаликдаги ҳаракатларга жалб этиладиган бошқа қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича, турли модель ва вариантларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қисм ва бўлинмаларни мазкур тузилмаларнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда ошириш имконини берадиган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника турлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган режа ва дастурларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Жанговар тайёргарликни сақлаш учун, шунингдек, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ишлаб чиқариш ва уларни модернизация қиладиган қўшма корхоналарни ташкил этиш учун мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Жанговар взвод ва гуруҳларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш борасидаги ишларни, ушбу бўлинмалар командирларига ва бутун шахсий таркибининг профессионал тайёргарлигига бўлган талабни тобора ортиб бораётгани назарда тутилган ҳолда такомиллаштириш зарур. Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибиде мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий талабни таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибиде мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий талабни таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибиде мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий талабни таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Сержантлар корпусини тайёрлашни мустаҳкамлаш бўйича бошланган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш ғоят муҳим вазифаларимиз қаторига кириди. Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини янги, замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ҳар томонлама янгилашни назарда тутадиган, кичик командирларни тайёрлашни кўп бўғинли ягона тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Профессонал жиҳатдан пухта тайёрланган сержантлар таркиби сўзда эмас, амалда армиямизнинг таянчи ва ўзагига айланиши зарур. Чунки ҳар қайси ҳарбий жамоадаги ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит кўп жиҳатдан айнан уларга боғлиқдир.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қўлай уй-жой-

лар, замонавий социал-маиший тузилмаларнинг шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ана шу мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор.

Қадрли дўстлар! Армиямизнинг бўлғуси аскар ва офицерларини қақриқча бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мазкур машаққатли касбни танлашга онгли ёндашиши нақадар муҳим эканини бугун алоҳида таъкидлаб ўтиришнинг ҳождати йўқ, албатта.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чинқириш талаб этилади. Ҳарбий хизмат, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва армиямизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан мамлакатимиз фуқароларини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур. Бу борада расмиётчилик ва юзаки ёндашувларга йўл қўймаслик, ёшларимиз қалбида Ватанимизга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг Қуролли Кучлари билан гуруҳланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини тарбиялаш лозим.

Бундай долзарб ва узок муддатга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намояндалари алоҳида роль ўйнаши керак.

Хурматли ватандошлар! Барчамиз учун алоҳида қадри бўлган мана шу қутлуғ айёмда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллигини байрам қилар эканмиз, ҳаммаңгизини, бутун халқимизни Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчилар — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, бугунги кунда миллий армиямизга сафлариде мураккаб жанговар хизматни адо этаётган, ўзининг шарафли ва масъулиятли ҳарбий бурчини бажаришда жонбозлик кўрсатаётган барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳаммаңгизга мустаҳкам соғлиқ, катта ютуқлар, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш йўлида куч-ғайрат тилайман.

Янги — 2014 йилда сизларга, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад, маънавий муҳит кўп жиҳатдан айнан уларга боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати

Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳоқими Р. Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам тадбирини

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Бердиев ўқиб эшиттирди. Айтиш керакки, бугунги кунда истиқлол берган бекиёс имкониятлар, эзгуликлардан баҳраманд бўлиб, ёрқин келажакимиз сари дадил одимлаяпмиз. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб, барча жабҳаларда эришаётган муваффақиятларимиз билан ўзичил ривожланаётган, йилдан-йилга

қудрати ва салоҳияти ортиб бораётган мамлакат сифатида танилмоқдамиз. Энг муҳими, халқимиз учун фаровон турмуш, яшаш учун қўлай муҳит бунёд этилмоқдаки, буни минглаб амалий мисоллар орқали тасдиқлаш ҳамда таърифлаш мумкин. Шу боис ҳам файзли дастурхон атрафиде, турли учрашув ва давраларда мамлакатимиздаги ўзгаришлар ҳақида сўз боради, мустақиллик берган имкониятлар тўғрисида тўққинлашиб гапирилади. Кўпни кўрган кексаларимиз дуога қўл очганда эса “Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, хонадонларимиздан файзу барака аримасин”, дея тилак билдиришади.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТ

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатлари ва унинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Ислохот ислохот учун эмас, энг аввало, инсон учун!” деган эзгу ғояси амалиётга изчил татбиқ этилаётгани натижасида халқимизнинг турмуш шароити тобора яхшиланмоқда.

АҲОЛИНИНГ БАНКЛАРГА ИШОНЧИ ЯНАДА ОРТМОҚДА

Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи кучига айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган ҳамда ишбилармонлик билан шуғулланиш истатигадаги юртдошларимиз учун республикамизда қўлай ишбилармонлик муҳити яратиб берилгани Ўзбекистон жамоатчилигида бу борадаги ишларга ишончли тобора мустаҳкамлаётгани диққатга сазовордир. Таъкидлаш жоизки, ушбу жараёнда банк тизими фаол иштирок этиб, ўтган даврда тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳамқори ва таянчига айланди. Гап шундаки, мазкур тизим шу мақсад йўлида молиявий хизмат кўрсатишининг барча соҳаларида замон талабига мунанд самарали фаолиятни амалга оширмоқда ва халқ фаровонлигини таъминлаш, Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришмоқда. “Обод турмуш йили” Давлат дастури доира-

сида банклар томонидан рўёбга чиқарилган ишлар, хусусан, тадбиркорлик равнақ топаётгани, замонавий хизмат курсатиш ва сервис соҳасининг қўламини тобора кенгайиб бораётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада чирой очиб, халқ фаровонлиги юксалаётгани ана шундан далолат беради.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2011 — 2013 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш юритаётган тадбиркорларнинг ўз фаолиятларида мамлакатимиз банк тизимининг ўрни ҳақида жамоатчилик баҳорсини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотларни ўтказди. Сабаби, айнан тадбиркорлар мазкур тизимнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳаққоний фикрларни айта оладилар. Бу ўринда эса, шубҳасиз, уларнинг банкларга бўлган ишончи катта аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда).

Солиқ тизимидаги ўзгаришлар

ҳақида пойтахтимизда ўтказилаётган кўргазмали семинарда иштирокчилар батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўлмоқдалар

СЕМИНАР

Келинги йилларда мамлакатимиз солиқ қонунчилигида қўллаб-ўзгаришлар кузатишмоқда. Улар, ўз навбатида, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун кенг йўл очаяпти.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспо-марказ” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмали семинар соҳадаги ўзгаришларга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Гап шундаки, беш кун давом этадиган мазкур тадбирда тадбиркорлик субъектлари вакиллари солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор қилинади.

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Хитой Халқ Республикаси савдо-сотиқ ҳажми бўйича жаҳонда биринчи ўринга кўтарилиб олди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.

Савдо ҳажми ўсди



Мамлакат миллий боғхона бошқармаси ҳисоботида келтирилишича, 2013 йилда ХХРнинг халқаро савдо кўрсаткичи 7,6 фоиз ўсиб, тарихда биринчи марта 4 триллион АҚШ долларидан ошди.

Иқтисодий ўнгланиш

Молиявий-иқтисодий инқироздан жиддий азият чеккан Испания иқтисодиёти аста-секин ўнгланимоқда.

Мутахассислар ўтган йилнинг куз ойларига келиб, ушбу мамлакат икки йил давом этган рецессиядан чиқишга эришганини ва бунда унинг еврохууд доирасида экспорт кўрсаткичларини яхшилаб олгани муҳим омил бўлганини таъкидлашганди. Умумий

натияжаларда ҳам бу ўз ифодасини топа бошлаган. Масалан, 2013 йилнинг ноябрь ойида Испанияда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 фоиз ўсган. 2014 йилда ҳам ижобий ўсиш қайд этилиши ҳақида турли тахминлар билдирилмоқда.

Денгиз тубида сўзлашув

Шу йилнинг баҳоридан эйтиборан Ла-Манш бўғози остидан ўтувчи темир йўл хизматидан фойдаланадиганлар туннель ичкарисиди ҳам мобиль телефонда гаплашиш имкониятига эга бўладилар.

"Vodafone" компанияси Лондон ва Париж йўналиши бўйича ҳаракатланувчи "Eurostat" поездида шундай шарт яратмоқда. Хабарларга қараганда, мобиль хизматлар дастлаб 3G, ёз ойларига бориб эса 4G форматда кўрсатилади.

Фавқулодда ҳодиса

АҚШнинг Фарбий Виржиния штатидаги Элк дарёси сувига 28 тоннага яқин метилциклоген моддаси қўшилиб кетган. Бунинг оқибатида мингдан ортиқ фуқаро турли шикоятлар билан тиббий муассасаларга мурожаат қилган.

"Си-эн-эн" телеканали хабариди айтилишича, ушбу ҳодиса "Freedom Industries" корхонасидаги техник носозлик туфайли юзага келган. Айни пайтда мамлакатдаги 9 та штатда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, аҳоли водопровод сувида вақтинча фойдаланмай туришга чақирилган.

«Уйқу»дан уйғонди

Индонезиянинг Суматра оролидаги Синабунг вулкони яна фаоллашди.



Шу боис унинг атрофида яшовчи маҳаллий аҳоли вакиллари эвакуация қилиш бошланган. Дастлаб вулқонга беш километр яқин ҳудудда истиқомат қиладиган 25 минг киши хавфсиз жойга кўчирилган. Кейинчалик етти километр радиусдаги одамларни ҳам эвакуация қилиш зарурати туғилган. Негаки, айни пайтда Синабунгдан ажралиб чиқётган кул ва тунун беш минг метр балангликкача кўтарилган.

Ушбу вулқон денгиз сатҳидан 2,6 минг метр балангликда жойлашган бўлиб, тўрт юз йиллик «уйқу»дан сўнг биринчи марта 2010 йилнинг август ойида «уйғонган» эди. Шундан кейин Синабунг 2013 йилнинг сентябрь ойидан бери тез-тез «безовта» бўлмоқда.

Сирни ошкор қилди

Канаданинг Ванкувер оролидан ўн олтинчи асрга тегишли Англия тангасининг топиллиши катта шов-шувга сабаб бўлди.

Негаки, шу пайтгача инглизлар Канада зами-нига илк бор 1770 йилда қадам қўйгани ҳақида маълумотлар қайд этилган эди. Айнан ўша йили сайёҳ Жеймс Кук ушбу мамлакатнинг Британия Колумбияси музофотида келгани ёзиб қолдирилган. Аммо бунгача 1579 йил-

да бошқа бир инглиз сайёҳатчиси Френсис Дрейк ҳам Канада бўйлаб сирли сафар уюштирган экан. Лекин бу қиролича Елизавета I нинг топшириги билан сир тутилган. Чунки у Англия қиролигининг ушбу ҳудудга бўлган қизиқиши ошкор бўлиб кетмаслигини хоҳлаган.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, ўтган йилнинг охирида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари доирасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори шулардан бири бўлиб, ушбу ҳужжатта биноан, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг куйи шкаласи бўйича солиқ

жисмоний шахслар томонидан тураржойи ижарага беришда Тошкент шаҳрида 1 квадрат метр учун бир ойга 3 минг сўм, Нукус шаҳрида 2 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида эса бир минг сўм энг кам ижара ҳақи сифатида белгиланди. Нотуражойларни ижарага беришда ҳам шундай тартиб жорий этилиб, бу 1 квадрат метр учун Тошкент шаҳрида 6 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 4 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида 2 минг сўмни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, ижара ҳақининг



Хосенов ПАВЛОЕВ олгон сурот.

Солиқ тизимидаги ўзгаришлар

ҳақида пойтахтимизда ўтказилаётган кўргазмали семинарда иштирокчилар батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўлмоқдалар

ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлардан олиннадиган солиқ ставкалари 2013 йил даражасида сақлаб қолинган ҳолда, бошқа аҳоли пунктларида (қишлоқ жойларда) газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 0,5 баробари микдориди пасайтирилди. Бунда қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига, яъни 2014 йилнинг 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақи (96 105 сўм) микдоридан келиб чиқиб аниқланиши ва йил давомида энг кам иш ҳақи микдори ўзгарган тақдирда, қайта қўриб чиқилмаслиги белгилаб қўйилди.

Энг кам микдори энгил автомобил-лар (йўловчи, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиқлари сонга ҳайдоовчиси ҳисобга олмаганда 8 тдан кўп бўлмаган)га 1 автотранспорт воситаси учун 220 минг сўм, микроавтобус, автобус ва юк автомобилларига 1 автотранспорт воситаси учун 430 минг сўм этиб белгиланди. Бундан ташқари, бу йилдан эйтиборан юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкаси ҳам 9 фоиздан 8 фоизга туширилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 2013 йилдаги ставкаси сақлаб қолиниб, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари учун пластик карточкалар орқали ҳақ тўланганда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган ставкани қамайтириш 2013 йилдаги 10 фоиз ўрнига 5 фоиз этиб белгиланди. Асосий воситаларни хар йили мажбурий қайта баҳорлаш амалиёти ҳам бекор қилиниб, улар уч йилда бир марта ўтказилади.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Фармониға мубофиқ, баъзи солиқ имтиёзлари мuddати узайтирилгани ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар учун айни мuddа бўлди. Ҳўш, бу имтиёзлар нималардан иборат? Бунди, аввало, ўш шароитида ҳалқ бадийи хўнармандчилиғи ва амаллий санъати буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги тадбиркорларға, оилавий корхоналарға белгиланган солиқ имтиёзи 2017 йилгача, йирик саноат корхоналарининг меҳнат шартномаси асосида қасанчиларға тўланадиган маблағларға тенг микдорда ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш мuddати 2019 йилгача узайтирилганида қўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг

2013 йил 25 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиғи мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига биноан эса, Солиқ кодекиси "Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хўнар коллежлари, академик лицейлар ва тиббий муассасаларини реконструкция қилиш, мукамил таъмирлаш ва жиҳозлаш ва жамағармасига мажбурий ажратмалар" деб номланувчи янги бўлим билан тўлдирилди. Шунингдек, Кодексга киритилган янги 155-модда ҳамда у билан боғлиқ бошқа ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадларига солиқ солиш тартибини, дивидендлар, фойзалар ва роялти бўйича халқаро шартномаларни мустақил равишда қўлаш ҳўқуқини бериш каби янгликларни назарда тутди.

Солиқ кодексининг 305, 311 ва 370-моддаларига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектнинг қатъий белгиланган солиқ ва сурғута бадалларини ҳисоблаб чиқиш ҳамда тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Кодекснинг 312, 316, 349 ва 363-моддаларидиға ўзгариш ва қўшимчалар, янги 325-модда билан киритилган нормалар эса қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ягона ер солиғи тўловчилар учун бюджетдан ташқари мақсадли жамағармаларға мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият бўйича даромадларни солиққа тортишни соддалаштириш учун хизмат қиладиди. Тадбирда иштирокчилар, шунингдек, республикамиз солиқ ва бюджет тизимидаги ўзгаришлар ҳақида ва ўзларини қизиқтирган бошқа саволларига Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиғи, Бош прокуратура, Бош прокуратура ҳўзуридаги Солиқ, валютаға оид жиноятларға ва жиноий даромадларни легаллаштиришға қарши курашиш департаменти ҳамда қарши тегишли ташкилотлар мутаасаддларидан батафсил жавоб олиш имкониятиға агадирлар. Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Адлия вазирлиғи, Давлат боғхона қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этмоқдалар. Кўргазмали семинарнинг биринчи куниди солиқ мажбурийатларини ўз вақтида адо этиб келадиган намуналиқ солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳиға Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрликлари топширилди.

Дилшод УЛУФМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этилади. 1. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 5 июлдаги 12-1212/7876 (11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Меҳнатобод» ҚФЙ, «Т. Аҳмедов» СИУда жойлашган, умумий майдони 102000,0 кв.м.дан иборат, қурилиши тугалланмаган бетон сарой биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 211 750 514 сўм. 2. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 12-1113/15052-сонли, 2011 йил 30 декабрдаги 21-1102/13424-сонли, 2011 йил 19 сентябрдаги 12-011103/7993-сонли, 2012 йил 9 январдаги 12-1102/12828-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Н. Маҳмудов кўчаси, 66-уйда жойлашган, умумий майдони 1063,84 кв.м.дан иборат маъмурий бино ва бошқа иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 593 901 009 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 18 февраль кунди соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 14 февраль кунди соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

«Тошкент труба заводи» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларға такдим этилади. Мисланган пайвандлаш сими СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб. Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим, Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0, баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб. Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиғи 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб. (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этилади. Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 1. Фаргона вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 26 майдаги 15-11-07/13325-сонли ижро варақаси ҳамда Суд департаменти Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 30 декабрдаги 15-01-6751. 6949/2-сонли ҳўжжатиға асосан хатланган, «Водий Найманча Зарғари» муқобил машина-трактор паркига қарашли, Дангарам тумани, «Фалаба» ҚФЙ, Арзиктепа қишлоғида жойлашган меҳмонхона ва дам олиш хонаси бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 129 392 828 сўм. 2. Фаргона вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 21 февралдаги ижро варақаси ва 2013 йил 11 июлдаги 15-13-05/4503-сонли ҳамда Суд департаменти Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 30 декабрдаги 15-01-6951. 6949/2-сонли ҳўжжатиға асосан хатланган, ХДААЙСИТФ корхонасининг Богдод туманида жойлашган 470-сонли йўл бўлими ҳисобидиға фойдаланилмаётган бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 34 216 175 сўм. Очиқ аукцион савдоси 2014 йил 14 февраль кунди соат 11.00 да бўлиб ўтади. Очиқ аукцион савдолариди иштирок этиш истағидиға талабгорлардан аризалар 2014 йил 15 январдан бошлаб хар кунди (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 12 февраль кунди соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидиға манзилға мурожаат қилиш мумкин: Фаргона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ. Телефон: (+99895) 404-54-84. Лицензия: RR 0094.

Реклама ва эълонлар

СВUZ-DM2014-СОНЛИ ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу билан Марказий банк тизимида катта ҳажмдаги диск массивларини харид қилиш ҳамда ягона IP-телефония тизимини яратишға доир икки лотдан иборат халқаро тендер очилиши ҳақида эълон қиладиди. 1. Тендер ҳўжжатлари тўпламини хар қандай ваколатли қатнашувчи қуйида кўрсатилган манзил бўйича ёзма шаклда ариза берган тақдирда, 400 (тўрт юз) АҚШ доллар микдориди қайтариб берилмайдиган бадал тўлаганидан сўнг харид қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан қатнашувчи резидентлар миллий валютада (сўмда) Марказий банкнинг тўлов кунидиға курси бўйича юқоридиға маблағнинг эквивалент суммасини тўлашлари мумкин. Тўлов услуби — «СВUZ-DM2014-сонли тендер ҳўжжатлари учун воситачилик йиғимлари» эслатмаси бўлгани ҳолда, банк жўнатмаси: резидентлар учун Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармасининг ҳисоб-китоб касса марказидаги 29896000400000014036 ҳисобварағига, банк коди 00014; норезидентлар учун банк ҳисобварағи: ТИФ Миллий банкнинг 20808403000000450007 ҳисобварағига, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси, SWIFT: NBUZUZ2X. Бадал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобварағига тушгандан сўнг тендерда қатнашувчининг вакили тендер ҳўжжатларини бевосита қуйида кўрсатилган манзилдан олиши ва буюртма — авиа-почтаси ёки курьер хизмати орқали савдода қатнашиш учун аризасиди келтирилган манзилға етказиб бериши мумкин: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳри, 100001, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 6-уй. Телефонлар: (+998 71) 212-61-30, 212-62-01. Факс: +(998 71) 233-60-88. E-mail: dil@cбу.uz. 2. Барча таклифлар биринчи лот (катта ҳажмдаги диск массивларини харид қилиш) таклиф кафолати билан 30 000 (ўттиз минг) АҚШ доллар микдориди ва иккинчи лот бўйича 20 000 (ийгирма минг) АҚШ доллар микдориди закалат кўринишида такдим этилиши шарт. 3. Барча таклифлар Марказий банкнинг юқориди кўрсатилган манзилға 2014 йил 24 февраль, соат 15.00 гача бўладиган тендер комиссияси йиғилишиға такдим қилиниши керак. Ҳўжатлар қатнашиш истағини билдирган қатнашчиларнинг вакиллари иштирокида очилади. 4. Шартноманинг асосий шартлари: а) харидлар учун тўлов АҚШ доллариди амалға оширилади; б) монтаж ва инсталляция ишларига миллий валютада — сўмда амалға оширилади; в) барча етказиб бериладиган ускуналар ва дастурий таъминотлар халқаро стандартларға жавоб берадиган, ишлаб чиқарган давлатға хос сертификатлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти сертификатини олган бўлиши керак.

Ўзбекистон «Ўзкоммунизмат» агентлиғи жамоаси бош директор ўринбосари Алимжон Аҳмедова волидаи муҳтарамаси Назира АХМЕДОВАнинг вафоти мўносабати билан чуқур таъзия ифдор этилади.

ФУТБОЛ

Хабарингиз бор, шу кунларда Ўмон давлати 22 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги биринчи Осиё чемпионати мезбонлик қилмоқда.

Осиё чемпионати ғалаба билан бошланди

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан ташкил этилган мазкур мусобақа 2015 йилдан Олимпия ўйинлари саралаш турнирлари қаторига киритилади. Шу боис унга хозирданок қизиқиш юқори.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, Осиё чемпионатининг саралаш турнирлари 2012 йили ўтказилган эди. Қитъамизнинг қирқ бир давлати қатнашган беллашуларда юқори натижаларни қайд этган ўн олти мамлакат терма жамоаси Ўмонга бош соврин умидида келган. Улар орасида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор.

Вакилларимиз мусобақанинг "D" гуруҳидан жой олган бўлиб, плей-офф йўлнамаси учун Хитой, Саудия Арабистони ва Ироқ ёшлар терма жамоаларига қарши кураш олиб боришмоқда. Якшанба кuni ҳамюртларимиз гуруҳ босқичи доирасида биринчи тур учрашувини хитойлик тенгдошларига қарши ўтказиб, иродалари ғалабага эришдилар. Негаки, футболчиларимиз ўйиннинг тўқсонинчи дақиқасигача 0:1 ҳисобида имкониятни бой беришаётган эди. Сўнги сонияларгача ку-

рашни сусайтирмаган вакилларимиз ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда ғалабани ўз томонларига оғдирдилар. Дастлаб жамоамиз сардори Егор Кривец тўп киритиб, ҳисобни тенглаштирди. Кейин эса ҳужумчимиз Игорь Сергеев ғалаба голи муаллифига айланди.

Ушбу гуруҳдаги Ироқ — Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги ўйин 3:1 ҳисобида аяқланди.

Қолган гуруҳлардаги учрашуларда эса куйидаги натижалар қайд этилди:

"А" гуруҳи: Жанубий Корея — Иордания 1:1, Ўмон — Мьянма 4:0.

"В" гуруҳи: КХДР — Яман 3:1, БАА — Сурия 1:1.

"С" гуруҳи: Австралия — Кувейт 1:0, Япония — Эрон 3:3.

Кеча мусобақанинг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Унда куйидаги жупликлар ўзаро беллашди: Мьянма — Жанубий Корея, Иордания — Ўмон, Сурия — КХДР, Яман — БАА.

Бугун бўлиб ўтадиган Эрон — Австралия, Кувейт — Япония, Ироқ — Ўзбекистон, Хитой — Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги учрашулардан сўнг иккинчи тур ўйинларига аяқун ясалади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Шўртан газ-кимё мажмуаси

ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

Янги — 2014 йил ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni билан самимий муборакбод этади!

Президентимиз томонидан "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган йилда ҳам мамлакатимиз тараққий этиб, меҳнаткаш халқимиз турмуши янада фаровон бўлсин. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга жонажон Ватанимиз гулаб-яшнайсин! Байрамингиз муборак, азизлар!

UZMOBILE

жамоаси

мамлакатимиз
фуқароларини ҳамда
юртимиз посбонларини
Янги — 2014 йил ва
14 январь — Ватан ҳимоячилари
кuni билан
самимий қутлайди!

*Байрамлар ярашган юртимиздаги
ҳар бир хонадонга
қут-барака, тинчлик-ҳотиржалик
ва бахт-қўлбон тилайди.*

«ХАМКОРБАНК»

очик акциядорлик
тижорат банки
жамоаси

*халқимизни ва сарҳадларимиз
дахлсизлигини таъминлаётган ҳарбийларимизни
Янги — 2014 йил ҳамда
14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni
билан табриклайди.*

Янги йилда барчага осойишталик, соғлиқ-саломатлик,
хонадонларига қут-барака,
ишларида ривож, қордек оппоқ
эзгу ниятлари ҳамisha ижобат
бўлишини тилайди.

Тинч-тотувлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз,
меҳр-оқибат ва ҳамкорлигимизга
асло кўз тегмасин!
Соғлом бола йили муборак
бўлсин!

НАМКОРБАНК

Биргаликда юксалиш сари

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 613 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5